Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 6 (865) • 2012 йил, 10 февраль, жума

## Башарият эъзозидаги шоир

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан буюк шоир номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида тантанали тадбир бўлиб ўтди

Маънавиятимизнинг шаклланиши, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақи, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли халқ сифатида жаҳонга танилишимизда улуғ шоир, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий ижодининг аҳамияти беқиёсдир. Миллий ифтихоримиз тимсолига айланган мўътабар зот таваллудининг 571 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида барпо этилган ушбу маскан бугун адабиёт ихлосмандлари билан гавжум. Улуғ бобомиз туғилган сана муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, маънавият ва таълим фидойилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Давоми 2-бетда ➤



С.УРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## Давр билан ҳамнафас

**Таълим ислоҳотлари**

Жамият ҳаётини фаровонлаштириш, мамлакатнинг иқтисодий куч-қудратини янада ошириш ҳамда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашда олий ва ўрта махсус таълим тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш, ўқув-тарбия ишини замонавий талабларга мос равишда олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллий тараққиётга илм-фан чўққиларини эгаллаган, қалбида Ватан туйғуси жўш урган, истиқлол ғояларига садоқатли ёшларнинг ижтимоий фаоллиги туфайли эришилади.

Яна бир муҳим жиҳат — собиқ тузум пайтида ялпи жорий этилган таълим тизимидан фарқли ўлароқ, истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ кадрлар тайёрлашда бундан буён битирувчиларнинг сонига эмас, сифатига, илмий-амалий салоҳиятига, халқ хўжалигининг, айниқса, саноат соҳасининг талаб ва эҳтиёжларига эътибор бериш, таълимни ишлаб чиқариш амалиёти билан бевосита боғлаш, бўлажак ёш мутахассисларда ишчанлик, ташаббускорлик фазилатларини тарбиялаш зарурлиги, фақат шундай йўл тутилганидагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги аниқ бўлиб қолди ва бу янги таълим тизимининг устувор вазифаси қилиб белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва шу қонун асосида ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" бу мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақилликка эришилгач, жамият олдида фақат таълим соҳасини эмас, халқ хўжалигининг барча соҳаларини жиддий ислоҳ қилиш, аниқроғи — қайта ташкил этиш, собиқ тузум мафкураси асоратларидан тозалаш вазифаси турарди. Иккинчи томондан, вазият ўта мураккаб эди.

Давоми 6-бетда ➤

## Ҳисоб палатаси — мустаҳкам назорат органи

**Парламентда фракция ташаббуси**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижросини назорат қилишда Ҳисоб палатасининг ўрни" мавзуида семинар ташкил этилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари, "Адолат" СДП фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этган мазкур семинарни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари И.Саифназаров кириш сўзи билан очди:

— Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бугун мамлакатимизнинг барча соҳалари барқарор ривожланмоқда. Бу эса Ўзбекистонни энг тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига тобора яқинлаштирмоқда. Буни Президентимизнинг қатор асарларидан, нутқ ва маърузаларидан, хусусан, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси", Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган йиғилишидаги маърузасидан ҳам идрок қилиш мумкин. Бундай муваффақиятларга албатта, жамиятимиз ягона мақсад йўлида бирлашганлиги, аниқ белгиланган, пухта ишлаб чиқилган дастурлар асосида ҳаракат қилинаётганлиги эвазига эришмоқдамиз. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳам ўрни борлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Таъкидландики, мазкур семинардан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ва ижроси устидан назоратни амалга оширишда Ҳисоб палатасининг фаолияти, шунингдек, Ҳисоб палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги масалаларни муҳокама қилишдан иборат.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бош инспектори О.Рустамов «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижросини назорат қилишда Ҳисоб палатасининг ўрни» хусусида маъруза қилди. Маърузада молиявий назоратнинг ҳуқуқий асослари ва тушунчаси, Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети шаклланишидаги ҳамда унинг ижросидаги ўрни, хорижий мамлакатлар Олий молиявий назорат органлари тажрибаси қамраб олинди.

Давоми 2-бетда ➤

## Солиқ имтиёзлари ва афзалликлар

### ОАВ тараққиётига хизмат қилади

**Конференция**

Пойтахтимизда "ОАВга берилаётган қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар: ахборот соҳасига бозор муносабатларини жорий этишнинг муҳим омили" мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат божхона ва солиқ қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, фуқаролик жамияти институтлари, марказий ва ҳудудий ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ахборот соҳасини ривожлантиришдаги ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

**Тарғибот**

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар касб-ҳунар коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асарини ўрганишга бағишланган учрашув ташкил қилинди. Унда партия фаоллари, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этишди.

## Ҳаёт ҳақиқатини акс эттирган ноёб қўлланма

Тадбирда муҳтарам Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асари халқимизнинг азалий орзуси — истиқлолга эришиш йўлида чекилган заҳматлар, яқин ўтмишимизда содир бўлган воқеликлар, ниҳоятда мураккаб бир даврда қабул қилинган оқилона ва тўғри қарорлар ҳамда юксак жасорат намунаси аниқ мисоллар асосида акс эттирилган ноёб қўлланма эканлиги таъкидланди.

— Мазкур асарнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида тарғиб қилиш, онг-шуурига чуқур сингдириш, уларда шу юрт истиқболи учун дахлдорлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев.

Давоми 3-бетда ➤

## Бугунги сайловчи кечаги сайловчи эмас

### у мафтункор сайловолди дастурига алданиб қолмасдан, амалий ишларга баҳо беради

**Партиялараро рақобат**

Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг дастлабки давридан бошлаб Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуслари ва раҳбарликлари остида босқичма-босқич ҳамда бир-бирининг мантиқий давоми бўлган изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар самараси ўлароқ ривожланган давлатлар юз йиллар давомида эришган ютуқларга мамлакатимиз тарихан қисқа даврда эришганлигини бугунга келиб жаҳон афкор-оммаси ҳам тан олмоқда. Демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан одимлаб бораётган Ўзбекистон ҳозирги кунда дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашга дадил қадамлар қўймоқда.

Ислоҳотлар самарасини эса биргина якунланган йилда эришилган ютуқлар мисолида кўриш ва сезиш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзуидаги маърузасида жаҳонда ном қозонган ривожланишнинг "ўзбек модели"ни ҳамда

Давоми 4-бетда ➤

### Илғор инновацион ғоялар

уни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг диққат марказидаги масалалардан биридир



"Адолат" социал-демократик партияси бу борадаги фаолиятини амалга оширишда инновацион ғояларни илгари сураётган олимларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ошириш, айниқса, ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшлар илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, ёш олимларнинг муҳим илмий изланишларининг натижалари ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2-бет

### Аҳоли саломатлиги — жамият келажаги буюклигининг омили



Франциядаги "Ибн Сино" жамғармаси раиси, Беғараз донорлик тарғиботи бўйича халқаро эксперт жаноб Марк Бонелнинг эътирофи ҳаммамизда катта таассурот қолдирди: "Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради ва унинг соғ-саломат бўлишини истайди. Лекин бундай қараш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилиши камдан-кам мамлакатларга хос".

7-бет

### Асрлар синовига дош берган мерос



Бобурмирзо қаерда бўлмасин, раиятнинг ташвишини қиладиган, эл-улуснинг тинчомонлигини ўйлайдиган шахс эди. Шу боисдан ҳам у темурийларга хос бўлган бунёдкорлик, яратувчилик ишларини давом эттирди. Қаерга борса, энг аввало, ободончиликка эътибор берди, неча асрлар давомида салобатини йўқотмаган муҳташам, маҳобатли қасрлар қурдирди, ариқ-каналлар қаздириб, боғ-роғлар яратди, илм-фан, адабиёт, санъат, хаттотлик ва бошқа соҳалар ривожига улкан ҳисса қўшди.

8-бет

# Башарият эъзозидаги шоир

Давоми. Боши 1-бетда



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, навоийшунос олим ва таржимон Эргаш Очилов, адиб, Давлат мукофотининг соҳиби Омон Мухтор, ёш шоир Носиржон Жўраев буюк алломаларимизнинг бебаҳо маънавий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, миллий адабиётимизни ривожлантириш, навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида Ватанимиз пойтахтида Алишер Навоий номидаги файзли боғ ҳамда шоирнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Шаҳримиз марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Симпозиумлар саройидан иборат "Маърифат маркази"нинг муҳташам биноси бунёд этилди. Бобомизнинг ижодини ўрганиш, асарларини мукаммал тўплам ҳолида чоп этиш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк мутафаккир асарларидан иборат дастлаб йигирма жилдлик, сўнгра ўн жилдлик тўпламнинг нашр этилгани бу йўналишдаги эзгу ишларнинг яққол намунасидир.

Шоир асарларида улуғланган эзгу ғояларнинг бардавомлиги мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ота-онани эъзозлаш, ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш сингари ибратли ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Тантанали тадбирда таъкидланганидек, бутун дунёда кенг ўқиб-ўрганилиб келинаётган шоир асарлари инсонпарварлик, тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, комил шахс тарбияси каби эзгу ғоялар билан йўғрилгани боис мангуликка дахлдордир. Алишер Навоий асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, ижоди жаҳон олим ва тадқиқотчилари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани улуғ шоир даҳосига башариятнинг чексиз эҳтироми рамзидир. Зеро, сайёрамизда шиддатли глобаллашув жараёни, инсон онги ва тафаккури учун мисслсиз курашлар кечаётган бугунги мураккаб шароитда Навоий мероси янада долзарб аҳамият касб этаётир.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг артистлари Дилноза Кубаева ва Феруз Бурҳонов буюк шоир асарларидан намуналар ўқиди.

Буюк шоир ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов иштирок этди.

***

Шу куни пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги «Шоирлар хиёбони»да ҳам Алишер Навоий таваллудига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим Азиз Қаюмов, Ўзбекистон Миллий университетининг профессори Нурбой Жабборов ва бошқалар ёш авлодни юксак маънавиятли, мустақил ва соғлом тафаккурли шахс этиб камолга етказишда, уларнинг онгу шуурига истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат, тарихимизга ҳурмат туйғусини чуқур сингдиришда Алишер Навоийнинг боқий мероси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу боис бобомиз ижоди мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим масканларида кенг ўрганилмоқда.

Тадбирда Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган адабий-бадиий дастур намойиш этилди.

Бундай маърифий анжуманлар, мушоиралар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
ЎзА мухбири.

# Ҳисоб палатаси — мустаҳкам назорат органи

Давоми. Боши 1-бетда

Шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Т.Абдусатторов «Ҳисоб палатасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: миллий ва халқаро тажриба» мавзусида маъруза қилди.

Маърузада қайд этиб ўтилдики, ҳукуматга таъсир этиш воситаларидан бири бу Давлат бюджети маблағларининг мақсадли ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишдир. Албатта, бу жараёнда Ҳисоб палатасининг ўзига хос ўрни мавжуд. Халқаро тажрибага назар ташласак, Ҳисоб палатасининг давлат органлари орасида тутган ўрни конституция ва қонунларда белгиланган. Австрия, Венгрия қонунчилигига мувофиқ Ҳисоб палатаси давлат бюджети ижроси устидан назорат олиб борувчи парламент органларидан бири ҳисобланади. Болгария, Германия, Испания, Польшада эса Ўзбекистондаги каби мустақил фаолият олиб борувчи Олий Молиявий назорат органи ҳисобланади ҳамда парламентга ҳисобдор саналади.

— Мамлакатимизда Ҳисоб палатаси фаолиятига доир муносабатлар қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган, — деди Т.Абдусатторов. — Лекин шунга қарамасдан мавжуд қонун ҳужжатларида давлат молиявий назорати соҳасидаги бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ҳам мавжуд. Хусусан, «Давлат молиявий назорати нима?», «Ҳисоб палатасининг конституциявий орган сифатида мақоми қай даражада?», «Давлат ҳокимияти тизимида Ҳисоб палатаси қандай ўрин эгаллайди?», «Ҳисоб палатасининг ваколатлари, вазифалари, функцияси, фаолияти қандай ҳуқуқий нормаларга, тамойилларга асосланади?» каби саволларга амалдаги қонунларда деярли жавоб йўқ. Шу муносабат билан соҳани янада такомиллаштириш мақсадида Президентимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да Бош Қомусимизнинг 93-моддаси 12-бандига тегишли ўзгартиш киритишни таклиф этди ва тегишли равишда Конституцияга ўзгартишлар киритилди. Бу молиявий назорат соҳасидаги олий органлар фаолиятини ташкил этиш бўйича халқаро амалиёт қоидаларига мувофиқ келган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Марказий банки каби мустақил давлат органлари билан бир қаторга қўйди.

Муҳокамаларда сўзга чиққанлар мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганлигини, 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётганлиги мисолида эътироф этишди. Ҳисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Бугунги кунда Ҳисоб палатаси олдида турган муҳим масалалардан бири дейди, — фракция аъзоси А.Ахадов, — республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириб, Давлат харажатларини камайтириш резервларини аниқлашдир. Яна бир долзарб масала, ташқаридан олинадиган қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, олинадиган хорижий кредит ва грант маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини, шунингдек, ҳукумат томонидан ёки ҳукуматнинг кафолати билан олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини қаттиқ назорат қилишни кучайтириш бугуннинг муҳим талабларидан бири бўлмоқда.

Шунингдек, семинар иштирокчилари Ҳисоб палатасининг фаолиятини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш хусусида сўз юритиб, Ҳисоб палатаси тўғрисида яхлит қонун қабул қилиш ҳақида таклиф билдиришди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
"Adolat" мухбири.




# Илғор инновацион ғоялар

## уни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг диққат марказидаги масалалардан биридир

**Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Бугун жаҳон тараққиётида рўй бераётган турфа ўзгаришлар шароитида, инновацияга асосланган иқтисодиётгина барқарорлиги ва рақобатдошлигини сақлаб қолишини ривожланган давлатлар тажрибаси исботламоқда. Мамлакатимизда ҳам инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, янги ғояларни амалиётга татбиқ этиш, илм-фан ва саноатни юксалтириш ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, илмий муассасалар билан корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганлиги Ватанимизнинг илғор мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ғоясини илгари сураётган "Адолат" социал-демократик партияси ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш ҳисобига миллий иқтисодиётимиз имкониятларини янада юксалтириш мумкин деб ҳисоблайди.

Партия бу борадаги фаолиятини амалга оширишда инновацион ғояларни илгари сураётган олимларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ошириш, айниқса, ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшлар илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, ёш олимларнинг муҳим илмий изланишларининг натижалари ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, 2011 йилда "MADAD" суғурта агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган "Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя" танлови ёшлар орасидан бир қатор иқтидор эгаларини кашф этди. Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритган Шавкат Азимов ана шундай салоҳиятли ва изланувчан ёш тадқиқотчилардан биридир. Айни пайтда Тошкент кимё-технологиялар институтининг "Биотехнология" йўналиши бўйича 2-босқичида таҳсил олаётган қаҳрамонимиз ўзи илгари сураётган инновацион ғоялар орқали катта ютуқларни қўлга киритмоқда. 2011 йилда "Алоқабанк" очиқ акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган "Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танловида ғолиб деб топилган Ш.Азимов 10 миллион сўм миқдорида пул маблағи олиш имкониятини берувчи махсус сертификат соҳибига айланди; Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан ўтказилган "Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя" республика танловининг Тошкент шаҳар ҳамда республика босқичларида фахрли 1-ўринни эгаллаб, ўз ғоясини келгусида "MADAD" суғурта агентлигининг моддий кўмаги асосида амалиётга жорий этиш имкониятини қўлга киритди. Шунингдек, институтда таҳсил олиш жараёнида фанларни аъло даражада ўзлаштираётгани, илмий-тадқиқот ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан республика ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамоат фонди томонидан махсус стипендия билан рағбатлантирилди.

Шавкат Азимов томонидан илгари сурилаётган "Сув ўтларини ўстиришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш лаборатория марказини ташкиллаштириш" мавзусидаги инновацион ғоя халқ хўжалигида мавжуд айрим муаммоларни ҳал этиш жиҳати билан ажралиб туради. Ушбу инновацион лойиҳадан асосий мақсад, мамлакатимизда ноанъанавий усулда озиқ-овқат саноати учун оқсил, витамин ва ферментга бой қўшимчалар, антиоксидант препаратлар, фармацевтик дори воситалари учун манбалар (жумладан, саратон касаллигининг олдини олувчи воситалар), ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ўсимликлар ўсишини ривожлантирувчи манбалар, ўсимликларни турли хил зарарли организмлар таъсиридан ҳимояловчи воситалар, шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида тўйимли озуқа еми қўшимчалари, витаминли, оқсилли ва ферментли озуқа еми қўшимчалари ҳамда кимё саноати учун антиоксидант препаратлар тайёрлашда ўта муҳим ва таннархи арзон, экологик тоза, рақобатбардош технологик линияни шакллантириш ва ишга тушириш ҳисобланади.

— Сув ўтлари асосида турли хил биотехнологик жараёнларни ташкиллаштириш кенг тарқалган, — дейди ёш тадқиқотчи. — Бунда сув ўтларининг бошқа манбаларга нисбатан юқори даражада зарурий кимёвий компонентларни сақлаши муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, сув ўтлари оқсил ва витаминларни турли хилдаги мева-сабзавот ва бошқа ўсимликлар ҳамда ҳайвон тўқимасига нисбатан юқори даражада сақлайди. Биргина спирулина сув ўтининг кимёвий таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг инсонлар организмига ўта зарур бўлган барча компонентларни сақлашига гувоҳ бўламиз. Маълумки, XXI асрнинг энг долзарб муаммоларидан бири инсониятни оқсил манбаси билан тўлақонли таъминлаш ҳисобланади. Маълумотларга кўра, ривожланаётган давлатларда ҳар тўрт нафар боладан биттаси, яъни 146 миллиондан кўпроқ болалар физиологик меъёрдан кам ривожланмоқда.



Сув ўтларининг мукаммал кимёвий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эътибор қаратилаётган нисбатан ёш ва истиқболли ишлаб чиқариш тармоғининг дунё давлатлари иқтисодиётида тутган ўрнига эътибор қаратайлик. Таиландда "Dainippon Ink & Chemicals (DIC)" компанияси 1970 йилдан бошлаб спирулина биомассасини етказиб беради. Йиллик ишлаб чиқариш миқдори 150 тоннани ташкил этадиган биомассанинг асосий қисми Японияга экспорт қилинади. АҚШнинг 1985 йилда ташкил этилган "Cyanotech" компанияси йилига 400 тонна миқдорида биомасса етиштиради. Шунингдек, мазкур компания спирулинадан ташқари "Dunaliella" ва "Haematococcus" сув ўтларини етиштириш бўйича ҳам етакчи ҳисобланади. Хитойда дастлабки ишлаб чиқариш "State Science and Technology Commission" қўмитаси томонидан молиялаштирилган бўлиб, ҳозирги вақтда спирулина асосида 80 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Спирулинанинг умумий миқдори эса йилига 500 тоннани ташкил этади. 1970 йилдан спирулина ишлаб чиқариш йўлга қўйилган Тайвандда йиллик кўрсаткич бир неча юз тоннани ташкил этади. Ҳиндистонда 1970 йилда сув ўти фермаси ташкил этилган бўлиб, айни вақтда бу корхонада 100 тонна миқдорида биомасса ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳар йили Вьетнамда 10 тонна, Кубада 40 тонна, Чилида 3 тонна спирулина ишлаб чиқарилади. Шунингдек, Исроил, Бангладеш, Филиппин, Перу, Бразилия, Испания, Португалия, Австралия каби давлатларда ҳам спирулина ва хлорелла асосида сув ўтлари биомассаси етиштириш кенг йўлга қўйилган.

Шавкат Азимовнинг ушбу инновацион ғояси асосида республикамиз олий ўқув юртлари миқёсида илк маротаба маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган талабалар мини цехини ишга тушириш, Тошкент кимё-технологиялар институти бакалавриатура ва магистратура талабалари учун илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш лабораторияси ташкиллаштириб, талабаларнинг бўш вақтларида мустақил ишлашлари ҳамда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, Республика Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари илмий тадқиқот лабораториялари, тиббиёт ва фармацевтика институтлари ҳамда марказлари учун тадқиқот объектлари яратиш имкониятини вужудга келтириш кутилмоқда.

Шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хусусиятидан келиб чиқиб, чорва моларини озиқлантириш орқали уларнинг умумий оғирлиги 25-40 фоизга, сут маҳсулдорлиги 15-20 фоизга ошиши таъминланади, паррандаларнинг умумий оғирлиги 18-20 фоиз, соғлом ривожланиши 98 фоизга, тухумларининг оғирлиги 10 фоизга, уларнинг энергетик қувватини 10-15 фоизга ошириш имконияти яратилади. Ўсимликларнинг ўсишини бошқариш орқали ҳосилдорликни 12-14 фоизга, ўсиб чиқиш тезлигини 1,5 бараварга тезлаштириш, бактериал ва фунгицид касалликларга чидамлигини 5 бараварга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Ёш олимнинг илмий изланишлари ҳозирда қишлоқ хўжалиги соҳасида синовдан ўтказилиб, дастлабки натижалар олинмоқда. Эндиликда озиқ-овқат саноати ҳамда тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида ҳам синовдан ўтказилиши режалаштирилмоқда.

**Илёс САХАТОВ,**
"Adolat" мухбири.



# Ҳаёт ҳақиқатини акс эттирган ноёб қўлланма

Давоми. Боши 1-бетда

— Собиқ тузум парчалана бошлаган, минтақада ниҳоятда қалтис вазият юзага келган бир пайтда Президентимиз Ислом Каримов томонидан жонажон Ватанимиз мустақил деб эълон қилинганлиги, юзага келган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлида ниҳоятда тўғри йўлнинг танланганн ҳамда узоқ келажакни кўзлаб аниқ стратегик вазифалар белгиланганлиги бугунги осуда ва фаровон ҳаётимиз, иқтисодий тараққиётимизга замин бўлмоқда. Шу боис, халқимиз, айниқса, ёшларимиз эндиликда мустақиллигимиз тарихига битилган ўша энг мураккаб ва залворли давр ҳақида ҳар хил узуқ-юлуқ гаплардан эмас, балки аниқ далил ва фактларга асосланган мазкур асардан батафсил маълумотларни олмоқда.

Депутатлар томонидан асар моҳиятининг содда ва таъсирчан усулларда тушунтирилгани иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

— Биз тарих фани дарсликлари орқали юртимизнинг узоқ ўтмиши ва минг йиллар давомида истиқлол учун курашган улуғ аждодларимизнинг кўрсатган юксак жасоратларини ўқиб-ўрганган бўлсак, Президентимизнинг ушбу асари ҳам биз учун ноёб тарихий қўлланма бўлди, — деди коллеж ўқувчиси Наргиза Саидова. — Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари орқали биз маънавий жасорат нима эканлигини англаган эдик. Ушбу асар эса ҳали мустабид тузум занжиридан халос бўлмаган бир пайтда давлатимиз раҳбарининг собитқадамлик билан истиқлол сари ташлаган қадамлари, кўрсатган жасоратларини акс эттирганлиги билан бизда катта таассурот қолдирди. Асарда келтирилган ниҳоятда таъсирчан маълумотлар бизни ушбу воқеликларни янада теран мушоҳада этишга, биз туғилиб, вояга етаётган ҳозирги мустақиллик даврининг қадрига етишга, эгаллаётган касбимиз орқали мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшишга ундайди.

Шунингдек, учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар ҳамда унда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг иштироки хусусида атрофлича сўз юритилди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети хусусида ҳам маълумот бериб, унинг асосий қисми, яъни 60 фоизи ижтимоий соҳага ажратилганлигини алоҳида таъкидлашди. Бунда таълим тизимига йўналтирилаётган маблағлар ҳақида тўхталиб, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан юртимизнинг порлоқ истиқболини яратувчи ёшларимизнинг жаҳон стандартлари даражасида таълим-тарбия олишлари, ҳеч кимдан кам бўлмасликлари учун кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси эканлигини эътироф этишди.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга депутатлардан батафсил жавоб олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# Имконият ва салоҳият етарли, аммо...

**Ўз-ўзини танқид**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Андижон вилояти Кенгаши фаоллари мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида алоҳида ташаббус ва ҳозиржавоблик кўрсатишга интилмоқдалар. Бу вилоят миқёсида ўтказилаётган турли тадбирларда, меҳнат жамоалари билан юзма-юз учрашувларда ҳам ўз ифодасини топаётир. "Адолат" СДПнинг дастурий ғояларини қўллаб-қувватлаётганлар, унинг сафига қўшилаётганлар кун сайин кўпаётганлиги эса вилоятда партия нуфузи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозир вилоятда партиянинг 5250 нафар аъзоси 129 та бошланғич ташкилотга бирлашиб фаолият юритмоқда. Айни вақтда вилоят Кенгашида 51 нафар маҳаллий Кенгаш депутатлари мавжуд. Бу эса партиянинг яхшигина салоҳиятга эга, амалий ишларга қодирлигини кўрсатади.

Партиянинг Олтинкўл, Асака, Пахтаобод, Бўз, Марҳамат ва Балиқчи тумани ҳамда Андижон шаҳар кенгашлари ўз вақтида ишга янгича ёндашиб, электорат манфаати йўлида ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатишганлигининг натижаси 2011 йилда аъзолар сонининг ўсганлигида намоён бўлди. Агар ўтган йил бошида Асака туман партия кенгашининг аъзолари сони 320 нафарни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб уларнинг сафи 460 нафарни ташкил этди. Худди шунингдек, Балиқчи тумани партия кенгашининг аъзолари сони 436 нафар, Бўз туманида 424 нафар, Пахтаобод туманида 406 нафарни ташкил қилади. Андижон шаҳар кенгашида эса бу кўрсаткич 1237 нафарни ташкил этади.

Бироқ вилоятнинг барча туман кенгашларида ҳам ишлар юқори савияда ташкил этилган эмас. Партия ташкилотлари фаолиятида ҳали-ҳануз ислоҳотлар талабига мос ишчанлик, изланувчанлик ва ташаббускорлик етишмаяпти. Масалан, ўтган йилдан бери Мурoджон Қодиров етакчилигидаги Жалолқудуқ тумани партия кенгаши бор-йўғи 144 нафар, Абдусаттор Йўлдошев етакчилигидаги Хўжаобод тумани партия кенгаши эса 208 нафар аъзолар билан чекланиб қолмоқда.

Жалолқудуқ тумани ва Хонобод шаҳар партия кенгашларида ҳам 2011 йил давомида талаб даражасида иш олиб борилмади. Бу эса биринчи галда туман кенгашлари бошланғич ташкилотлар ишини жонлантиришга эътибор бермаганлигини кўрсатади. Қолаверса, 2011 йил давомида катта салоҳиятга эга бўлган мазкур ҳудудларда — Муроджон Қодиров етакчилигидаги Жалолқудуқ тумани партия кенгашида атиги 6 маротаба, Ҳулкарой Мўминова етакчилигидаги Хонобод шаҳар партия кенгашида эса 7 маротаба тадбир ўтказилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?..

Тан олиш керак, вилоятнинг бир қатор туманларида айтишга арзигулик амалий ишлар олиб борилмоқда. Аммо юқорида номлари зикр этилган ҳудудларда аҳвол умуман бошқача. Шу боис ҳам вилоят партия Кенгаши бу каби камчилик ва нуқсонларга йўл қўяётган туман партия ташкилотлари ишини тезда ўрганиб, келгусида бундай салбий ҳолатлар қайта такрорланмаслиги юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўрмоғи лозим.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Андижон вилояти
Кенгаши матбуот хизмати.

# Бугунги давр

## ҳар бир партия фаоли зиммасига аниқ ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда

**Сиёсий ўқув**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш ҳамда партия дастурий вазифалари доирасида "Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятида иш ҳужжатларини юритиш" мавзуларида сиёсий ўқиш ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши фаоллари, туман кенгашлари раислари, "Ёш адолатчилар" ҳамда Аёллар қанотлари етакчилари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг чоп этилганлиги мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги таъкидланди.

— Президентимизнинг мазкур китобини ўқиб-ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини фуқароларга, айниқса, ёшларга кенг тушунтиришда ҳар бир партия фаоли масъулдир, — деди партиянинг Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси ўринбосари Р.Ўтарбоев. — Ушбу асарда мустақил мамлакатимиз истиқлолининг жонли тарихи, бу улуғ кунларга етишиш йўлида олиб борилган курашлар, Юртбошимизнинг жасоратли, узоқни кўзловчи серқирра фаолияти, собиқ тузум шароитида юртимизда мустақиллик ғоясининг шаклланиши, бу ўтмишдаги орзунинг амалга ошиши қандай кечгани, аниқ ва таъсирли тарзда ёрқин баён этилган.

Маърузачилар китобда тилга олинган истиқлолга эришиш йўлида мамлакатимизда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритиб, Давлатимиз раҳбарининг мустақил давлат барпо этиш йўлида кўрсатган жасоратлари ҳар бир ватандошимизни истиқлолимизнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асрашга ундашини таъкидлашди.

Шунингдек, тадбирда партия Кенгашининг электорат манфаати йўлида амалга оширилаётган ишлари таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ишга янгича ёндашиш борасида ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

— Бугун даврнинг ўзи ҳар бир партия фаоли зиммасига аниқ ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда, — деди партиянинг Нукус шаҳар Кенгаши раиси А.Пахратдинов. — Уларнинг ижроси ўз-ўзидан бўлмайди, бунинг учун ишни тўғри ташкил этиш, изланиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини чуқур ўрганиш керак. Бу борада эса, албатта, сиёсий ўқувларни мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ.

Мазкур сиёсий ўқув миллат тарихига бевосита дахлдор ноёб қўлланма "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб этиш ишларини янада кучайтиришга, партия фаолларининг ижтимоий-сиёсий билимини бойитишга, тафаккурини юксалтиришга хизмат қилади.

Сиёсий ўқувда Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши ҳамда унинг қуйи тузилмаларининг бу борадаги тарғибот-ташвиқот тадбирларидаги иштирокини янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши
матбуот хизмати.

**"Ёш адолатчилар"**

Юртимизда янги инновацион иқтисодиёт юзага келаётган, бандлик даражаси ўсаётган, соғлом турмуш тарзининг барча имкониятлари яратилган бир шароитда салоҳиятли йигит-қизларни социал-демократия ғояларини амалга ошириш йўлида сафарбар этиш Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятининг муҳим таркибий қисми саналади.

# "Биз — эртанги кун эгаларимиз"

Дастурий вазифалардан келиб чиқиб, ёшларнинг бугунги сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах шаҳар "Ёш адолатчилар" қаноти ташаббуси билан Жиззах давлат педагогика институтида "Биз — эртанги кун эгаларимиз" мавзуидаги тадбир ташкил этилди.

Тадбирда "Ёш адолатчилар" қаноти фаолияти республика ёшларини мамлакат ва жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ҳамда тафаккурини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт равнақи йўлидаги ғояларини амалга оширишларида ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли эканлиги таъкидланди.

— Асосий мақсадларимиздан бири партиямиз ғоя ва дастурларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах шаҳар "Ёш адолатчилар" қаноти раиси Фарҳод Сафарниёзов. — Шунингдек, ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини англашда кўмаклашиш, иш билан бандлигини таъминлаш, мустақил фуқаролик позициясини шакллантириш, замон билан ҳамнафас бўлиш, миллий ўзлигини англашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, ёт ғояларга нисбатан иммунитетини кучайтириш фаолиятимизнинг бош мезони ҳисобланади.

Тадбирда вилоят партия Кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари келгусида олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари қошида ёшлар билан ишлашни кучайтириш, таркибни янада фаол ёшлар ҳисобига кенгайтириш сингари вазифаларни амалга оширишга келишиб олишди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Жиззах вилояти
Кенгаши матбуот хизмати.

# Солиқ имтиёзлари ва афзалликлар

## ОАВ тараққиётига хизмат қилади

Давоми. Боши 1-бетда

Хусусан, Юртбошимизнинг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлари бериш тўғрисида"ги Қарори "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мантиқий давоми бўлиб, мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш ва ушбу концепция мақсадларини амалга ошириш доирасида сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш мақсадида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг навбатдаги ёрқин намунаси бўлди.



Мазкур Қарор асосида ОАВ, нашриётлар, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар тақдим этилиши мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Жумладан, 2012 йилнинг 1 январидан оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий, болалар адабиёти ва имконияти чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан даромад солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Шунингдек, таҳририятлар, нашриётлар ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан беш йил муддатга озод этилиши уларнинг эркин ривожланиши, иқтисодий мустақиллигининг мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу уларга қарийб 20 миллиард сўм тежаш имконини бермоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, қарорда яна бир қатор муҳим янгиликлар мавжуд. Айниқса, микрофирма ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилиши, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмахоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сонини 50 нафардан 100 нафаргача оширишга рухсат берилиши ҳам миллий матбуот ривожига хизмат қилади.

Иштирокчилар фикрига кўра, мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши шубҳасиз, ОАВ иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, таҳририят, нашриёт ва матбаа корхоналарининг мустаҳкам кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш, ОАВни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, соҳа ходимларининг даромадлари ва моддий фаровонлигини юксалтиришга муносиб улуш қўшиши муқаррар.

**Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,**
"Adolat" мухбири.

# Пок ниятлар ижобати

**Фахр**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисини телеэкран орқали кўриб, мамлакатимизнинг юксалиш йўлидаги одимлари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан муносиб эътироф этилаётганлиги тўғрисидаги Президентимизнинг «Охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда», деган сўзлари қалбимизда фахр туйғуларини уйғотди.



Дарвоқе, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йил якунлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, бунинг ёрқин ифодасини Наманган ва наманганликлар ҳаётида ҳам яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилингандан сўнг дастурга кўра 175 та иншоотни кенг қамровли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари қамраб олди. Бугун шаҳарнинг Дўстлик, Амир Темур, Навоий номли кўчалари қиёфаси кўрган кўзни қувонтиради. Қисқа фурсатда «Камолот» ёшлар боғи, «Яшил деҳқон бозори», «Кичкинтойлар боғи», Хотира мажмуаси, «Бахт уйи», «Миллий банк», «Алоқа банк» биноси каби бир-биридан муҳташам иншоотлар қад кўтарди.

Марказий «Истиқлол» кўчасида 8 та 190 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар қурилди. Бобур шоҳ кўчасидаги 28 та замонавий коттеж, Алишер Навоий номли театр, «Ёшлар маркази», «Баркамол авлод» спорт мажмуаси шаҳар кўркига кўрк қўшди.

Бир сўз билан айтганда, 2011 йил истиқлолда ўтган 20 йил ичида ижро этилган вилоят иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлди. Бу давомийликни наинки вилоят маркази — Наманганда, балки туманларда, ҳатто олис ва чекка ҳудудларида ҳам кўриш мумкин бўлди. Энг муҳими, одамларда қуриш, яратиш каби бунёдкорликка, тадбиркорликка ҳавас уйғонди. Кекса-ю ёш қалбида меҳнатга иштиёқ туғилди.



Етмиш ёшга етган уйчилик Муродилла ота Мирабдуллаевни олайлик. Олти нафар фарзандини уйли-жойли қилган, ўттиз нафар невара-ю, 2 чеваранинг бобоси. Энди улар ардоғида оёқ-қўлини узатиб ётса ҳам бўлаверади, дегинг келади. Аммо ота тиниб-тинчимайди. Ғайрат-шижоати ҳавас қилгудек. Беш йил олдин 12 сотихли ҳовли-жойнинг бир сотихида иссиқхона ташкил этиб, 11 туп лимон кўчати экканди. Якунланган йилда шу бир сотихнинг ўзидан 500 кило лимон сотиб, 3 миллион сўм даромад олди.

2011 йилда иссиқхонани яна 2 сотихга кенгайтириб, 24 туп лимон ўтқазди. Отахон 2012 йилда бир эмас иккита 2 сотихли иссиқхона қурмоқчи. Кўчатлар ҳам ўзидан. Ҳатто ҳамшаҳарларига ҳам 200 туп лимон кўчати етказиб берди.



Чуст туманининг Каркидон қишлоғи ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Ана шу қишлоқда Мустаҳкам оила йилининг илк кунларида 50 та оила замонавий уйларга кўчиб ўтишди.

Халчахон Мирзаевани биласиз: Ўзбекистон Қаҳрамони. Уни нафақат Тўрақўрғонда ёки Наманганда, бутун Ўзбекистонда ҳамма яхши танийди. Меҳнати билан элга танилган, фидойилиги ила назарга тушган аёллардан. Қаҳрамонлик «Олтин юлдузи»ни ая кўксига Юртбошимизнинг ўзлари тақиб қўйганлар.

— Оддий қишлоқ аёли эдим, — дейди у ифтихор билан, — Мустақиллик йилларида меҳнатим қадр топиб, қалбим эъзозларга сазовор бўлганидан ғоят бахтиёрман. Ишончим комилки, инсон азиз ва мукаррам бўлган бу юрт доим юксалиб боради...

Аянинг бу пок ният-ла айтган сўзлари давлатимиз раҳбарининг вилоятга қилган ташрифлари чоғида бутун наманганликларга берган таърифлари билан ҳамоҳангдек туюлади. Жумладан, Юртбошимиз шундай деганди: **«Пок ниятли Наманган аҳлининг меҳнат шижоатига мен доимо чуқур ҳурмат билан қарайман».**

Юқорида келтириб ўтилган лавҳалар сўзсиз, наманганликларнинг ана шу пок ниятлари ижобати дейиш жоиздир.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
«Adolat» мухбири.

2011 йил якунларига кўра, ўта муҳим объектларда хавфсизлик таъминланишини ташкил этишни назорат қилиш бўйича идоралараро республика комиссиясининг қарорига биноан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг фуқаро муҳофазаси тузилмалари республикада "Энг яхши фуқаро муҳофазаси тузилмаси" деб топилди ва махсус кубок ҳамда сертификат билан тақдирланди.

# "Энг яхши фуқаро муҳофазаси тузилмаси"

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамиздаги кенжа саноат корхоналаридан бири бўлишига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган корхоналардан биридир. Корхонада углеводород ва нефть хомашёлари қайта ишланади. Қайта ишлаш жараёнида тайёрланган нефть маҳсулотлари керакли манзилларга жўнатилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, корхонамиз ёнғин ва портлаш хавфи кучли бўлган объектлар тоифасига киради. Иш жараёнида хавфсизлик талабларининг бузилиши турли хилдаги техноген хусусиятли фавқулодда ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Мазкур вазиятдан келиб чиққан ҳолда заводимизда 11 та фуқаро муҳофазаси тузилмалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 320 нафар аъзоси корхонанинг ишчи-хизматчиларидан иборат. Тузилмаларнинг барча аъзолари махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари ўзларининг иш фаолиятига мос замонавий қутқарув асбоб-анжомлар ва кичик механизмлар билан жиҳозланган.

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг асосий вазифаси, бошқа тезкор хизматлари билан ҳамкорликда завод объектларида, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари яшаётган «Нефтчилар» посёлкасида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этишдан иборат. Бундай муҳим вазифа зиммасига юклатилган ходимларнинг касб тайёргарлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Тузилмаларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш ва фавқулодда ҳолатларга тайёрлаш, зудлик билан ҳаракатланиш борасида 15 соатлик назарий ва амалий ўқув машғулотлари ўтказилди.

Фавқулодда ҳолатларда тузилма аъзолари ва ишчи-хизматчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларини янада яхшилаш мақсадида заводимиз цехларида авария ҳолатларини бартараф қилиш режалари тузилган бўлиб, унга асосан 2011 йил давомида 730 марта амалий машғулотлар ўтказилди. Ҳар қандай фавқулодда ҳолатни зудлик билан бартараф қилишда ўқув амалий-тактик машқларнинг аҳамияти жуда катта. Шу мақсадда «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг ва «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияларининг режаси асосида сентябрь ва октябрь ойларида завод ҳудудида фуқаро муҳофазаси тузилмалари ҳамда вилоят ИИБ, ЁХБ, ФФБ, МХХ ходимлари иштирокида амалий-тактик машқлар ўтказилди.

Тузилмаларнинг моддий-техник базасига завод раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Биргина ўтган йилда 65 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига кийим-кечак ва асбоб-анжомлар харид қилинди.

Корхонада содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишни ўзларининг шарафли бурчлари деб билган фуқаро муҳофазаси тузилмалари зиммаларига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида бутун куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

**Бахтиёр ЮНУСОВ,**
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи етакчи муҳандиси.

# Бугунги сайловчи кечаги сайловчи эмас

## у мафтункор сайловолди дастурига алданиб қолмасдан, амалий ишларга баҳо беради

Давоми. Боши 1-бетда

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, 2011 йилда мамлакат иқтисодиёти ўсишининг юқори суръатлари барқарорлиги таъминланганлиги аниқ рақамларда ўз аксини топди.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берган Концепцияда илгари сурилган принципиал таклифлар сиёсий партиялар учун кенг имкониятлар эшигини очди, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу ғоялар сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида обрў ва нуфузини оширишга, сайловчи таянадиган ва суянадиган сиёсий институт бўлиб ривожланишига хизмат қилади.

Ўз ўрнида жамиятда демократик тамойиллар тобора чуқурлашган сари мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки, таъсир кучи ошиб бормоқда. Бу ҳолат соғлом сиёсий, ғоявий, мафкуравий рақобат силсиласида янада яққолроқ кўзга ташланмоқда.

Табиийки, бунда пировард мақсад — давлат ва жамият бошқарувида етакчи мавқега эга бўлиш, фуқаролар хайрихоҳлиги ёки уларнинг аксарият қисмининг қўллаб-қувватлашига эришиш, мамлакат ҳаёти ва келажаги билан боғлиқ ҳал қилувчи қарор қабул қилинишида ўз позициясини амалиётга татбиқ этишдир.

Бундай мақсадга эришиш жараёни албатта, илғор, замонавий сиёсий технологиялардан самарали фойдаланишни талаб этади. Демак, бундай фаолият юритиш учун ҳар бир сиёсий партия ўзининг аниқ ва пухта ўйланган сиёсий позициясига, мақсад ва вазифаси аниқ белгиланган сайловолди платформасига эга бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда сиёсий платформаси ва йўналишидан қатъи назар мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар айнан ана шу йўлни босиб ўтмоқда. Бунинг самараси партияларнинг жамиятдаги ўрни ошишида, халқимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги сезиларли юксалишида, аҳолининг ислоҳот ва ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ортишида намоён бўлмоқда.

Табиийки, бу жараёнда сиёсий партиялар ўртасида ғоявий, мафкуравий қарама-қаршиликлар ҳам учрамоқда. Бу ҳолат баъзи партияларнинг ўз сиёсий платформасидан четга чиқаётганлиги ёки ўз электорати манфаатини унутиб, ўзга партиялар платформасида фаолият юритаётганида яққол кўзга ташланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастлаб сўл ғоясига содиқлигини эълон қилди. Ўзбекистон «Адолат» СДП, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда O`zLiDeP битта демократик блокка бирлашган бир пайтда, ЎзХДП ўзининг мухолиф партия эканлигини эътироф этди.

Бироқ негадир ЎзХДПнинг мухолиф позицияси мутлақо кўзга ташланмаяпти.

Айни вақтда партиянинг амалий фаолиятида сайловолди дастурида белгиланган вазифаларидан фарқ қиладиган жиҳатлар пайдо бўлмоқда. Бу партиянинг ўз сиёсий платформасидан четга чиқаётганлигидан далолатдир.

Бунга бир мисол: ЎзХДП етакчилари партия Марказий Кенгаши билан Марказий банк ҳамкорликда «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш жойларини ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошираётганлигини маълум қилмоқда. Мазкур лойиҳа иқтисодий ўқув тарзида ташкил этилиб, асосий мақсади электоратнинг ишга лаёқатли вакиллари — вақтинча ишсиз кишилар, уйда ўтирган аёллар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этишга кўмак бериш, шу орқали янги иш жойларини яратишдан иборат эканлиги партия етакчилари томонидан қайта-қайта таъкидланмоқда.

Хўш, аслида бу иқтисодий форумнинг асосий қатнашчилари кимлар ўзи? Асосан тижорат банклари ходимлари-ю, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган бўлажак тадбиркорлар!. Бундан ташқари, мазкур иқтисодий форумнинг асосий ташкилотчилари, ундан кўзланган асосий мақсад ҳам ойдин.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилганлиги ва бу масала ҳукуматимизнинг доимий диққат-марказида эканлиги ҳаммага маълум. Шу маънода соҳанинг узвий бўлаги бўлган оилавий бизнесни янада тараққий эттириш, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, бу Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепциянинг асосий йўналишларини амалга ошириш ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини бажариш, шу орқали ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан маҳаллий ижро ҳокимияти ҳамкорлигида амалга оширилаётган тадбирлардандир.

Навоий шаҳрида ташкил этилган ана шундай иқтисодий форумлардан бирида Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Актам Сайфуллаев банклар олдига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига жиддий ёндашиш, соҳага ажратилаётган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробарга ошириш, кредитлаш механизмини соддалаштириш вазифаси қўйилганлигини таъкидлаганининг ўзи фикримизни исботлаб турибди.

Қолаверса, Марказий банк томонидан ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 12 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратиш кўзда тутилганлиги, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар ажратиш Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган дастур асосида олиб борилганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Айнан мазкур иқтисодий форумда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаеванинг «Банклар ажратаётган кредитлар кўплаб янги иш жойлари ташкил этишга хизмат қилмоқда... Шу орқали оилаларнинг иқтисодий фаровонлиги таъминланади, турмуш даражаси ошади. Бунда банкларнинг хизмати катта, албатта» деган сўзлари ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

ЎзХДП аъзолари эса мазкур иқтисодий форум орқали сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун партия фаоллари астойдил ҳаракат қилаётганлигини таъкидлашади. Аммо ЎзХДП ўз сайловолди дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилаш чоғида "Иш билан банд бўлмаган аҳолини фақат тадбиркорликка тортиш йўли билан бу масалани ҳал қилиш мумкинми?» деган савол қўйганлиги ва буни инкор қилган ҳолда ўзларининг позицияларини эълон қилганликлари сайловчиларнинг ёдидан чиққани йўқ.

ЎзХДП ўз электорати деб ҳисоблайдиган — «олинаётган пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси турмуш кечириши учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалардаги аёллар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари манфаатларини кўзлаб давлат томонидан ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг изчил юритилишига эришиш учун ҳаракат қилиш»ни ваъда қилганлиги ёддан чиқиб, айнан ўз сиёсий рақиби деб биладиган O`zliDeP позициясидан бораётганлиги ажабланарли эмасми!? Устига-устак Марказий банк амалга ошираётган акцияда партиянинг икки-уч нафар вакили иштирокини таъминлаб, тайёр ошга баковуллик қилишичи?

Марказий банк бу каби тадбирларни республика бўйлаб маҳаллий ҳокимликлар, қолаверса, бошқа сиёсий партиялар билан ҳам ҳамкорликда ташкил этмоқда. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Самарқанд каби вилоятлар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида ўтказилган бизнес-форумлар, O`zliDeP билан ҳамкорликда Томди туманида ташкил этилган тадбир ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Аслини олганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан ўтказилаётган бу каби тадбирларда ЎзХДП эмас, балки, O`zliDeP ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, «бу бизнинг акция», деб бонг урганида буни тушуниш мумкин эди. Аммо O`zliDeP етакчилари ЎзХДПдан фарқли ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ижро ҳокимияти, хусусан, Марказий банк томонидан ўтказилаётган бундай иқтисодий тадбирларни ўзиники қилиб кўрсатишни ор билганлар.

ЎзХДП вакиллари мазкур иқтисодий форумда «иштирок этиш» орқали сайловолди дастуримизда белгиланган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг иш билан бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиз, деб ўзларни оқлашга ҳаракат қилишлари табиий. Лекин ҳукуматнинг мақсадли режалари туфайли давлат томонидан ажратилаётган микрокредитлар эвазига тадбиркорликни ривожлантириш орқалими? деган савол берилса, унда нима дейишар экан-а?!

Бугун жойларда айрим мансабдор шахслар томонидан пенсия таъминотидаги баъзи қонунбузарлик ҳолатлари бўлмаяптими ёки ногиронликни аниқлаш ва қайта аниқлашларда-чи? Бундай ҳолатларда электорати кимга мурожаат қилишни билмай турган бир вазиятда ЎзХДП вакиллари ўзларининг асосий вазифасини, электорати манфаатини унутиб, либераллар позициясини эгаллашга уринаётгани кишини ажаблантиради.

Шу ўринда, ЎзХДП сайловолди дастурига эътибор қаратайлик:

«... партия бутун жаҳон демократик ҳаракати сўл қанотида қабул қилинган тенглик, озодлик, адолат, бирдамлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари, тинчлик принциплари ҳамда халқимизга хос бўлган миллий ва умуминсоний гуманистик ҳамда демократик қадриятларга амал қилади.

Партиямизнинг ижтимоий идеали — Ўзбекистонда социал-демократик давлатни бунёд этишдир».

Аслида тенглик, озодлик, адолат, бирдамлик, инсон ҳуқуқлари каби принциплар жаҳон социал-демократик ҳаракатининг энг муҳим қадриятлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, ЎзХДПнинг дастуридан олинган юқоридаги иқтибос ҳам ушбу партиянинг мақсади чалкашлигини кўрсатади.

Аслида эса ЎзХДП Демократик блокка мухолиф сиёсий куч сифатида белгилаб олган платформасидан оғишмасдан, ўз электорати манфаатларига мос сиёсат юритиши жоиз.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири.

# Давр билан ҳамнафас

Давоми. Боши 1-бетда



Бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсат, ҳам иқтисодиёт, ҳам таълим-тарбия, тарих, маданият, мудофаа, дин ва бошқа соҳалар билан муттасил шуғулланишга, собиқ тузумдан қолган пароканда иқтисодиётни қайта оёққа турғизишга, ички ва ташқи таҳдидларнинг олдини олишга тўғри келди. Президент Ислом Каримов Республика Олий Кенгашининг 12-сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқида бу тўғрида қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди... Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда яна қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади. Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади..."

Мана шундай мураккаб шароитда таълим соҳасида тамомила янги тизим яратишга киришилди. Соҳа мутасаддилари олдига тизимни жамиятда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўналишига мослаш, таълим-тарбия ишининг илғор дунёвий усулларини амалиётга жорий этиш вазифаси қўйилди. Ўтиш даврида, яъни мамлакат ҳаётида ғоят мураккаб муаммолар мавжуд бўлиб турган бир пайтда таълим ва тарбияга устувор вазифалардан бири сифатида қаралгани миллий истиқлолимизнинг бош мақсади — халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш, янги ёш баркамол авлодни тарбиялаш, йигит-қизларга илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш, яъни бандлик муаммосини ҳал этиш мақсадига тўла мос эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилиёқ олий таълим структурасини такомиллаштириш бошланди: Тошкент политехника институти каби йирик олийгоҳлар базасида бир неча мустақил олий ўқув юртлари ташкил этилди, вилоятлардаги педагогика институтлари давлат университетларига айлантирилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлана бошланди. 1997 йилга келиб, мамлакатимизда университетлар сони 16 тага, давлат институтлари 42 тага етди. Айни пайтда Ўзбекистонда нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг 6 та, маҳаллий ўқув юртларининг 11 та филиали фаолият олиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзда тутилганидек, таълимнинг узвийлигига эришиш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари ўртасида икки томонлама манфаатли илмий-амалий ҳамкорлик алоқалари, ахборот алмашиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, олий таълимнинг икки босқичли — бакалавриат ва магистратура йўналишига ўтди. Бунда асосий эътибор тайёрланаётган янги кадрларнинг илмий салоҳияти ва амалий тажрибасига, иш берувчиларнинг юксак талабларига, яъни рақобатга бардош беришларига мос келишига қаратилди. Собиқ тузум пайтида амалда бўлган сон жиҳатидан қувиш, кадрларни юқоридан туширилган қатъий режа асосида тайёрлашдек номақбул принципдан бутунлай воз кечилди. Қайси йўналишда қанча мутахассис тайёрлаш реал ҳаётий заруратга, аниқ талаб ва шартномага асосланадиган бўлди.

Янги таълим тизимида ёшлар бўлажак касбларини ўзлари эркин танлашлари, мамлакат, жамият, миллат олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда зиммаларига тушадиган улкан масъулиятни чуқур ҳис этишлари муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, жамият ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бераётган, миллий тараққиёт янги босқичларга кўтарилаётган, жумладан, жамиятда янги мулкдорлар табақасининг шаклланиши ижтимоий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатаётган экан, таълим тизимини янада такомиллаштириш, уни замон билан ҳамнафаслигини таъминлаш лозим бўлади. Хулоса шуки, тизимда эришилаётган тажрибалар муттасил равишда таҳлил қилиниши ва умумлаштирилиши, ўқув-тарбия ишига янги илғор усуллар тезкорлик билан жорий этилиши зарур.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида узлуксиз таълим тизимининг янги, мустақил, ҳаётнинг реал талабларига мос тури — ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини шакллантириш, бу йўналишларни янгича дунёқарашга, илғор педагогик маҳоратга эга бўлган кадрлар, янги ўқув дарсликлари, методик қўлланмалар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган эди. Шўролар пайтида умумий ўрта мактабларда ўзлаштириши суст, тарбияси талабга жавоб бермайдиган ўқувчиларни мажбуран қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига жўнатиш, бунда уларнинг қизиқиш ва лаёқатларини ҳисобга олмаслик тамойили мавжуд эди. Бугун эса замонавий типда қурилган, энг янги илмий-техник воситалар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш ёшларимиз учун фахр ва ифтихор бўлиб қолди. Бу йўналишларда турли мутахассисликлар бўйича намунавий ишчи режаларини пухта ишлаб чиқиш, ўқув жараёнига малакали етук мутахассисларни жалб этиш, касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилишни режалаштиришда муайян ҳудуддаги корхона, ташкилот муассасаларнинг эҳтиёжини аниқ ҳисобга олиш, улар билан бу борада амалий ҳамкорлик қилиш, тегишли вилоят, шаҳар ва туманнинг иқтисодий салоҳиятини, ишлаб чиқариш хусусиятларини, савдо, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа тармоқларнинг ривожланиш истиқболларини эътиборга олиш, ўқув ва ишлаб чиқариш (диплом олди) амалиётини бевосита иш берувчи корхоналарда ўтказиш тажрибаси шаклланди ва у ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу муҳтарам Президентимизнинг касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш жойини олдиндан белгилаш, уларни аниқ бир иш жойига бириктириб қўйиш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмасига, "фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган улуғ ниятга айнан мос келади.

**Муҳаббат АҲМЕДОВА.**

# Улуғ ва шарафли касб

**Эҳтиром**

Дунёда касблар мўл. Санайверсангиз, бири иккинчисидан қизиқарлироқ, жозибалироқ, мафтункорроқ. Ҳар бир касбнинг мутлақо ўзига хос ва мос яхши жиҳатлари бор. Ҳар бир касбнинг ҳаётимизда ўз ўрни мавжуд. Зеро, касб одамни безамайди, одам ўз касбини безайди.

Аммо бу дунёда ўзгача бир касб бор. Мен бу касбни ҳеч иккиланмасдан ҳунар деб айтган бўлардим. Юртбошимиз бу касбни "улуғ касб" деб атаб, бошқа барча касблар айнан унинг негизида шаклланишига алоҳида урғу беради.

Бу касб ўқитувчилик, мураббийликдир.

Тасаввур этинг: бир парча эт дунёга келади. Ота-она чақалоқни оқ ювиб, оқ тарайди, қорнини тўйдиради, кийинтиради, ўйнатади. Болакай дунёни кўриб, эшитиб англай бошлайди. Аммо булар ҳозирча тирикликнинг ташқи аломатлари, холос. Мана, ниҳоят бола олти ёшга тўлди. Энди уни мактаб ўз қучоғига олади. Биз эъзоз ила "устоз" атайдиган муаллим болага алифбе ҳарфларини, ўқишни, ёзишни ўргатади. Болакай энди дунёни таний бошлайди. Дунёни таниш асносида ўзини, ўзлигини танийди.

Шубҳасиз, ўзбек оиласида ота — улуғ инсон. Аммо қадимдан бизда "Устоз отангдек улуғ" деб бежиз такрорлаб келишмайди. Устозга нисбатан меҳрни, ҳурматни, иззатни бундан ортиқроқ тарзда ифодалаш қийин бўлса керак.

Ёшлар бугун замонавий мактабларда, лицейларда, коллежларда, олий ўқув юртларида таълим олаяпти. Айниқса, қишлоқларда қад ростлаб турган коллеж-лицейлар кишининг кўзини қувонтиради. Бундай иншоотлар нафақат билим ва тарбия маскани, балки шу ҳудудда яшовчи аҳоли фахрланадиган маърифат гўшасига ҳам айланиб улгурди.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу ҳолатга алоҳида эътибор беради: "Мен жойларда бўлиб, одамлар билан, фермер ва деҳқонлар билан учрашганимда, қишлоқ ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, пахта, ғалла ҳақида гаплашамиз, булар албатта керак. Лекин эътибор берган бўлсангиз, бундай мулоқотларда ёшу қари ўз қишлоғи ёки туманида қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида тўхталиб, гапни аввалáмбор шундан бошлайди.

Мен юртдошларимизнинг бундай тўлқинланиб, қувониб гапиришини табиий деб ўйлайман. Чунки халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажагини, бахту саодатини ўйлаб яшайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда".

Биз ҳар йили мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаймиз. Бу бизнинг устозларга нисбатан эҳтиромимизнинг биргина кўриниши, албатта.

Бу дунёда ҳар биримизнинг ҳали устозлик мақомига эришганимиз масаласи баҳслидир, аммо ҳар биримиз қайсидир устознинг шогирди эканлигимиз аниқ.




**Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.**

Ислом КАРИМОВ

Ишонаверинг, Устоз ҳар бир шогирдидан мўъжиза, кашфиёт кутади. Шогирди муваффақиятга эришган кун — устоз учун энг катта байрамдир. Устоз шогирд ютуғини ўзиники сингари қабул қилади, ҳамкасбларига, яқинларига қайта-қайта мақтаниб чарчамайди.

Ўқитувчилик, мураббийлик — энг машаққатли касб. Ахир ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавияти, тафаккури, қолаверса, сиҳати қай даражада — буларнинг ҳаммаҳаммаси бевосита устозлар меҳнатига, саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Одатда бизга таълим-тарбия берган устозларимизни бугунги кунда катта ҳурмат, миннатдорлик туйғуси билан эсга оламиз. Одам ота ёки она бўлганидан сўнг ота-онанинг қадрини била бошлагани сингари, ёш ўтиб, мустақил ҳаётга қадам қўйганингиздан кейин устозларнинг ҳам қадри бирдан билина бошларкан.

Навоий ҳазратларини эслайлик:

***Ҳақ йўлида ким сенга***
***бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,***
***Айламак бўлмас адо онинг***
***ҳақин юз ганж ила.***

Албатта, муаллим билим ва маърифатни тайёр ҳолида шогирднинг онг-шуури ва қалбига жойлаб қўя олмайди. Таъбир жоиз бўлса муаллим билим ва тафаккур хазинасига олиб борувчи йўлни кўрсатади, ҳаттоки сирлар сандиғининг калитини ҳам беради. Шогирднинг вазифаси эса мана шу имкониятдан етарли даражада фойдалана билиш кўникмасини, салоҳиятини эгаллашдир. Шу сабабли мутафаккирлардан бири "Муаллим айтган сўзни қайтариш билан унинг издоши бўлиб қолаверишқийин", деганди. Яъни бу ҳолда таълим-тарбиянинг энг жозибали омили — ижодкорлик йўқолади.

Олмон файласуфи Гёте бу фикрни давом эттиради: "Чинакам шогирд бор нарсалар негизида мавҳум нарсалар ривожини ўрганади ва шу йўл билан устозига яқинлашиб боради". Мана шу ҳақиқий ижодкорлик бўлади. Мана шу ҳақиқий изланувчанлик бўлади, фикрлаш эҳтиёжини туғдиради. Фикрлаш эса доимий давом этадиган жараёндир. Яъни, айтайлик, устознинг таълими, ўгити бир учқун вазифасини ўтайди-ю, шогирд қалбидаги илҳом ва истеъдоднинг оловланиб кетишига сабаб бўлади. Демак, ўқиш-ўрганиш фақат дарс соатларида эмас, доимий давом этиши керак: кутубхонада, уйда, мустақил ўқиб-ўрганганда. "Бугун ниманидир ўргандимми, дея ўзингга савол бермай туриб ухлашга ётма. "Ўргандим" сўзининг маъносини мен илмий ёки бошқа бирон-бир фойдали билимларимиз чегарасини кенгайтиришга интилмоқ деб тушунаман", деб ёзади бир мутафаккир. Шундай интилувчанлик мустақил юртимиздаги ҳар бир йигит-қизнинг ҳаёт шиорига айланиб қолсин.

**Абдуҳамид МУХТОРОВ,**
ёзувчи.

# Қуйи ташкилотлар доимий эътиборда

**Бошланғич партия ташкилотларида**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгашида "Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш ва белгилаш" масаласига бағишланган семинар ташкил этилди.

Маълумки, ҳар қандай партияни шакллантириш ҳамда унинг ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда бошланғич партия ташкилотлари асосий таянч нуқта ҳисобланади. Семинарда таъкидланганидек, сиёсий партияларни бошланғич партия ташкилотларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Айни пайтда вилоят партия Кенгаши таркибида 410 дан ортиқ БПТлар фаолият юритмоқда.

— Бизнинг энг катта ютуғимиз, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Н.Шодиев — маҳаллаларда доимий фаолиятни йўлга қўя олганимиз, фуқароларни ислоҳотларнинг чинакам иштирокчиси бўлишга ундаётганимиздадир. Тўғри, баъзи БПТлар фаолиятида сусткашлик, ён-атрофда содир бўлаётган воқеаларга бефарқлик, масъулиятсизлик сингари ҳолатлар ҳам учраб туради. Ҳозирда сиёсий партияларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланмас, БПТлар фаолиятига етарлича эътибор қаратмас эканмиз, партиянинг ҳудудий ва вилоят кенгашларида ишлар кўнгилдагидек бўлмаслиги, аъзоларнинг сон ва сифат жиҳатдан ошмаслиги, аъзолик бадалларини йиғиш режаси уддаланмаслигига сабаб бўлади.

Ўтказилган тадбирда ана шундай ҳолатларга чек қўйиш, масъулият ва ташаббускорликни ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Партиянинг вилоят Кенгаши томонидан бундай тадбирларнинг тез-тез ташкил этилиши БПТлар фаолиятини янада такомиллаштиришга, фаолларнинг сиёсий билимларини бойитишга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Фарғона вилояти
Кенгаши матбуот хизмати.

# Аҳоли саломатлиги —

## жамият келажаги буюклигининг омили

**2012 йил —**
**Мустаҳкам оила йили**

Келажак сари ташланажак қадамнинг қанчалар залворли, ишончли бўлиши кўп жиҳатдан ўтаётган кунларнинг якунларига ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлиқ. Юртбошимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини тингларканман, кўнглимдан беихтиёр шу ўйлар кечди.

Биз, муҳтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган 2012 йилда яшамоқдамиз. Зеро, тарихга айланиб улгурган 2011 йилнинг асосий якунлари мана шундай ишонч ва эътироф учун асос, пойдевор бўлиб хизмат қилади.



Олайлик, 2011 йилда ижтимоий соҳани, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди. Даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион долларлик хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай катта ютуқлар ўтган йили "Маърифат маркази" мажмуидаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

Симпозиумда Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан — оила бор. Оила бор экан — фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан — одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди"** — деган сўзлари қулоқларим остида ҳамон жаранглаб турибди. Кўз олдимдан айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлол йиллари юртимизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш бўйича давлат миқёсида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва кенг кўламли дастурлар ижросининг ижобий натижалари ўтаверади: республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг таъсис этилган илк давлат мукофотларидан бири "Соғлом авлод учун" ордени бўлди. "Оила йили", "Аёллар йили", "Оналар ва болалар йили", "Соғлом авлод йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" деб ном олган йилларда ёш авлод тарбиясига, айниқса, юксак эътибор берилди. Ана шу эътибор натижаси ўлароқ, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача узайди.

Франциядаги "Ибн Сино" жамғармаси раиси, Беғараз донорлик тарғиботи бўйича халқаро эксперт жаноб Марк Бонелнинг эътирофи ҳаммамизда катта таассурот қолдирди: "Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради ва унинг соғ-саломат бўлишини истайди. Лекин бундай қараш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилиши камдан-кам мамлакатларга хос".

Бугун дунёнинг мана шундай "камдан-кам мамлакатлари" рўйхати бошида Ўзбекистонимиз эҳтиром билан қайта-қайта тилга олинмоқда. Мустақиллик йилларида одамларнинг ўртача умр кўриши узайиши билан бир қаторда оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроққа камайган. Ўзбекистон — 2011 йилда "Болаларни асрайлик" (Save the children) халқаро ташкилот томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган ўнта етакчи давлатлар қаторига киритилди.

Шубҳасиз, бу мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг халқаро даражада тан олинишидир.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий танглик ҳамон давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш икки ярим баробар кўпайди. Хўш, булар нималар эвазига эришилаяпти? Жавоб лўнда: юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва Юртбошимизнинг бу соҳага алоҳида эътибори туфайли, албатта. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Ченнинг симпозиум очилишидаги нутқидан бир иқтибос келтирайлик: "Жорий йилда мисли кўрилмаган табиий офатлар, сув тошқинлари, цунами, ядро фалокатлари, Африка қитъасидаги оммавий очарчилик, Яқин Шарқдаги бир неча давлатларда ҳукуматнинг алмашишига олиб келган фуқаролар можаролари рўй берди... Биз глобал инқирозлар кетма-кет содир бўлаётган мураккаб бир даврда яшаяпмиз. Иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши давом этаяпти".

ЖССТ Бош директорининг бу сўзлари кишини мушоҳадага чорлайди. Атрофдаги мамлакатларга бир назар ташланг: доимий низолар, уруш-жанжаллар, келишмовчиликлар гирдобида қолган Афғонистонда аёлларнинг 85 фоизи, эркакларнинг эса 51 фоизи бутунлай саводсиз. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қашшоқликда кун кечиради. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, мамлакатда ҳар 100 000 нафар кўзи ёриган аёлдан 1600 таси вафот этмоқда. Ўртача умр эса 44 ёшни ташкил этади...

Ҳа, тинчлик-осойишталик барқарор, жаннатмонанд, иқтисоди тобора ривожланиб бораётган юртда яшаётганимиз учун шукроналар айтсак арзийди. Фақат мана шундай юртдагина ҳар йили мамлакат миллий бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага, унинг 35 фоизи оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилиши мумкин.

Зеро, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш дегани, бу, энг аввало, халқнинг, миллатнинг келажагини ҳимоя қилиш дегани. Президентимиз сўзлари билан айтганда: "Худо таоло яратган табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл дилбандини тўққиз ой бағрида, юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга етказиш учун ўзини аямасдан, бутун ҳаётини бахшида этади. Ана шу жараёнда аёл неки яхшилик ёки ёмонлик кўрса, она вужуди орқали ҳомилага ўтади. Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди.

Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак, дегани — бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир".

Ўзбекистонимизда "Соғлом она — соғлом бола" миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирлар янада кучайди, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизими такомиллашди, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини муттасил ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларида жадаллик кузатилди.

Биргина қишлоқ врачлик пунктларини олайлик. Мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам бундай шифо масканларини учратасиз. Президентимиз таъкидлаганидек, булар бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган оддий фельдшерлик-акушерлик пунктлари эмас. ҚВПлар энг замонавий тиббий жиҳозларга эга. Уларда юқори малакали умумий амалиёт шифокорлари меҳнат қилишмоқда. Барча вилоятларда ҚВПлар ўз фаолиятини бошлаганидан бери аҳолининг турли сабаблар билан туман, вилоят шифохоналарига, ҳаттоки пойтахтга қатнаши кескин камайиб, энг асосийси, вақтида ўтказилаётган профилактик тадбирлар туфайли кўплаб хасталиклар олди олинаётгани бор гап.

Она ва бола саломатлиги, алоҳида олганда ҳар бир кишининг ва ҳамманинг соғлиғи бутун дунё миқёсидаги глобал вазифадир. Бу қадар кенг кўламли вазифани адо этмоққа Ватанимиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бўй кўрсатаётган тараққиёт натижалари пировардида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш учун хизмат қилади.

Табиийки, жамиятнинг соғломлиги унинг эртанги куни буюклигидан далолат беради. Биз ҳаммамиз мана шундай яшашга интилаётган, мана шундай эзгу ниятлар билан одимлаётган мустақил Ватан — Ўзбекистон фуқаролари сифатида ҳар қанча фахрланишга, ғурурланишга ҳақлимиз.

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши аъзоси.

**Тиббий хизмат**

Республикамизда тиббий меҳнат экспертиза хизматини бошқариш ва унинг фаолиятини намунали ташкил этиш механизми тобора такомиллашиб, фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифати ҳамда тиббий ижтимоий ва касбий соғломлаштиришнинг самарадорлиги йил сайин ошиб бормоқда.

# Эзгу мақсад йўлида

Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг беминнат тиббий ёрдам олиши ва меҳнатга лаёқатсизлигини экспертизалаш юзасидан белгиланган талабларга кўра бизнинг туманлараро ТМЭК (тиббий медицина экспертиза комиссияси) жамоамиз турли сабабларга кўра соғлигини йўқотган инсонларни яна меҳнат жамоасига қайтариш, вақтинча турғун меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатини тиклаш, қолаверса, соғлигини йўқотган кишиларда ногиронликнинг олдини олиш ва уларни ногирон деб топиш борасида кенг қамровли профилактик ишларни амалга оширмоқда. Бу борада олий ва биринчи тоифали мутахассисларимиз Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё ва Беруний туманлари аҳолисига хизмат қилиб келмоқда.

Жумладан, комиссия шифокорлари томонидан касаллик тури, асоратлари ва даволанишдан сўнгги натижалар эътиборга олинган ҳолда реабилитация даражаси юқори бўлганларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти. Ўтган йил амалга оширган ишларимиз таҳлилига кўра, ҳудудимизда бирламчи ногирон деб топилганлар сони 83 нафарга, қайта ногиронлар 286 нафарга камайди. Шунингдек, жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорлигимиз яхши натижа бераётир. Бу йўналишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги ўрта махсус билим юртларига болаликдан ногиронлар ўқишга юборилмоқда.

Касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиш ҳамда реабилитация ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда ТМЭКимиз жамоаси фуқароларга тиббий-ижтимоий ва касбий соғломлаштириш ишлари хизматини эзгу мақсад билиб, намунали фаолият олиб бормоқда.

**Алишер МАДАМИНОВ,**
Амударё туманлараро 2-сонли
ТМЭК раиси.

# Дўмбоқ жўжа — кимга ўлжа!

Ҳозирги кунда паррандачалик саноати ривожланган айрим мамлакатларда товуқ гўштининг сифати тобора шубҳали бўлиб бормоқда. Маълумки, фермерлар товуқларнинг семиришини сунъий тарзда жадаллаштириш мақсадида уларни тез ўстирувчи гормонлар, гени ўзгартирилган маҳсулотлар ва кимёвий озуқалар билан озиқлантиришади. Дунё экспертларининг сўнгги тадқиқотлари мазкур ўстирувчи гормонлар товуқларнинг сон гўштида тўпланиб қолишини исботлади. Бундай гўштларнинг кўп истеъмоли эса инсон организмидаги эндокрин ва иммун системаларига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, келгусида наслдан наслга ўтувчи турли ирсий касалликларнинг келиб чиқиши хавфини оширар экан.

Шунга қарамай, айрим сохта тадбиркорлар томонидан товуқ гўшти маҳсулотларини божхона назоратидан яширинча тарзда мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш учун уринишлар учраб турибди.

Ўз навбатида республикамиз божхоначилари ҳам сифати кафолатланмаган, шунингдек, божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган парранда гўшти маҳсулотларининг олиб кирилишига қарши чора-тадбирларни давом эттиришмоқда.

Сирдарёлик божхоначилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Ширин шаҳрининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудуди орқали 300 килограмм музлатилган товуқ гўштининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйишди. Маълум бўлишича, бекободлик Ж.Абдунабиев қиймати 3 миллион сўмлик сифати кафолатланмаган ушбу озиқ-овқат маҳсулотларини юртимизга олиб кириш учун чегарадош ҳудудда тўплаб қўйган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан Фарғона туманида ҳаракатланаётган "Ваз-2101" русумли енгил автомашина текширилганда, унда фуқаро Б.Шокиров томонидан салкам 470 килограмм сифати кафолатланмаган товуқ гўшти ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Қиймати 3 миллион 300 минг сўмлик мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари муқаддам айланма йўллар орқали қўшни давлатдан юртимизга олиб кирилган экан.

Шунингдек, вилоятнинг Олтиариқ туманида божхоначилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда фуқаро Ф.Эргашевнинг хонадонини амалдаги тартибларга биноан, шунингдек, холислар иштирокида кўздан кечиришганида, бу ерда муқаддам айланма йўллар орқали олиб кирилган, божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 5 миллион сўмдан ортиқ 825 килограмм товуқ гўшти ноқонуний тарзда, боз устига санитария шароитларига риоя қилинмаган ҳолда сақланаётганлиги аниқланди.

Наманган вилоятида ҳам товуқ гўшти билан боғлиқ йирик қонунбузарлик ҳолати фош этилди. Божхоначилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Қамчиқ довонида ҳаракатланаётган "Камаз" юк машинасини тўхтатиб текширишганда, унда божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, муқаддам айланма йўллар орқали олиб келинган, қиймати салкам 117 миллион сўмлик 15 тоннага яқин товуқ гўшти ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2011 йил давомида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 573 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 1,5 миллиард сўмлик 229 тоннага яқин парранда гўштининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,**
Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати инспектори.

Реклама ўрнида

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қайта танлов савдоси эълон қилади**

**Объект номи:**

**ЛО1-1. Фарғона вилояти Марғилон кўчаси 35-уйда жойлашган 23-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

Бошланғич нархи: — **434 657 930 сўм ҚҚС билан: 362 214 942 сўм ҚҚСсиз.**

Буюртмачи: **"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.**

Манзил: **Фарғона шаҳри Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй. тел.(373) 224-24-33.**

**Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларни таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Танловда фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.***

**Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй. Тел/факс: 224-18-71, 224-18-76.***

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб **ўн беш(15)** кундан кейин, ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй манзилда ўтказилади.***

***Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази "Туркистон" газетасининг 2012 йил 11 январь 2-сонида чоп этилган эълоннинг: Лот-9-3 Фарғона вилояти Учкўприк тумани Наврўз шоҳ кўчасида жойлашган 28-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш объекти учун бошланғич нархи — 233 813 160 сўм ҚҚС билан: 194 844 300 сўм ҚҚСсиз деб ўқилишини маълум қиламиз.***

# Асрлар синовига дош берган мерос

**14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун**



Ҳар бир халқнинг маданий-маърифий қиёфасини белгилайдиган, жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалари, буюк донишмандлари бўлади. Йиллар, асрлар ўтади, аммо бундай зотларнинг хотираси авлодлар қалбида мангу яшаб қолади, келажак насллар уларнинг ҳаёти ва ижодидан, маънавий меросидан ҳамиша баҳраманд бўлади.

Шундай зотлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Темурийзода султонларнинг истеъдодли вакили, шоир ва давлат арбоби, беназир тарихнавис бобомизнинг жанггу жадалларда кечган ғоят мураккаб ҳаёти ва ижоди, адабий, илмий мероси, ҳарб салоҳияти то ҳануз тадқиқотчиларни, бобуршунос олимларнинг янги-янги авлодларини қизиқтириб келади. Шоҳ Бобур қисқа, сермазмун, аммо фавқулодда зиддиятли, қарама-қаршиликларга, садоқату хиёнатга, матонату жасоратга, ғалаба нашидасию мағлубият аламига бой ҳаёт йўлини босиб ўтди. Таассуфки, собиқ тузум шароитида Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби улуғ давлат арбоби ва алломаларимиз билан ҳақли равишда фахрланиш чеклаб қўйилди. Бобурмирзонинг биргина "Бобурнома" асари кўплаб хорижий давлатларда илмий, тарихий мемуар асар, бирламчи бебаҳо манба сифатида ўрганилди, қатор тилларга ўгирилди, қайта-қайта чоп қилинди, аммо қизил салтанат мафкураси унинг она юртида бундай ишларга имкон бермади. Бобур босқинчи сифатида қораланиб, халқ хотирасидан золим ҳукмдор сифатида ўчишга маҳкум этилди.

Аслида эса, Бобурмирзо қаерда бўлмасин, раиятнинг ташвишини қиладиган, эл-улуснинг тинч-омонлигини ўйлайдиган шахс эди. Шу боисдан ҳам у темурийларга хос бўлган бунёдкорлик, яратувчилик ишларини давом эттирди. Қаерга борса, энг аввало, ободончиликка эътибор берди, неча асрлар давомида салобатини йўқотмаган муҳташам, маҳобатли қасрлар қурдирди, ариқ-каналлар қаздириб, боғ-роғлар яратди, илм-фан, адабиёт, санъат, хаттотлик ва бошқа соҳалар ривожига улкан ҳисса қўшди. Фарзандларига эл-улус аҳволидан ҳамиша хабардор бўлиб туришни, муҳтожларга мурувват кўрсатишни, раҳм-шафқатли ва адолатли бўлишни васият қилди.

Бобурнинг шахсий ҳаёти ва қолдирган бой маънавий мероси унинг шоҳ ва шоир сифатидаги мураккаб тақдирини ўрганиш билан бирга, бугунги янги авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода истиқлол йилларида "Бобурнома" ҳамда адибнинг бошқа асарлари, жумладан, унинг фарзандларига ёзган мактублари ҳам эълон қилинаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бугун бу борада амалга оширилаётган ишлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳассос тадқиқотчи Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги халқаро Бобур жамғармаси фаолларининг изланишлари туфайли юртимизга кўплаб қимматли манбалар олиб келинди, бобуршунослик илми янги маълумотлар, тадқиқотлар билан бойиди. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, япониялик заҳматкаш олим Эйжи Мано ва Саидбек Ҳасанов нашрга тайёрлаган "Бобурнома" асарини олимларимиз Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева ҳозирги ўзбек тилига табдил қилишди. Бу манбалар, хусусан, отанинг фарзандларига йўллаган мактублари Заҳириддин Бобурдек йирик шахс, давлат арбоби, саркарда ва шоир ҳақидаги тассуротларимизни янада бойитади, унинг замонга, ён-атрофида кечаётган воқеаларга муносабатини ойдинлаштиради. Чунончи, "Бобурнома"нинг янги илмий-танқидий матни нашрида ("Шарқ", 2002, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов) Бобурнинг ўғли Комронга "Насиҳатномаи Бобур ва фарзанди худ" номли мактуби келтирилган (Нашрга тайёрловчи профессор Бегали Қосимов). Бу манба "Бобурнома"нинг битилмаган саҳифаларини ёритади, фарзанднинг ота олдидаги бурчи, ака-укаларнинг ўзаро муносабати ҳақида ўқувчига қимматли маълумотлар беради.

Бобурнинг фикрича, улғайиб бораётган ёшларнинг "комил ва мукаммал бўлиб камолға етиши" уларнинг саъй-ҳаракатлари ва интилиши боис амалга ошади. Ота ўғлига мурожаат этиб, Амир Темур чиғатой улусига мансублиги, давлат бошқарувида унинг ўгитлари, иш тажрибаси мактаб эканлигини уқдиради, бу борада Султон Ҳусайн мирзони намуна қилиб келтиради ва давлатчиликда, эл, раият билан ишлашда Хуросон эли вакилларига кўпроқ суянишни таъкидлайди.

Ушбу нашрда Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюн мирзога йўллаган махфий мактуби ҳам эълон қилинган (таржимон Ансориддин Иброҳимов). Мактубда Бобур яна бир карра, жиддий тусда Ҳиндистон масаласини ўртага қўяди. Бу мактуб васиятнома бўлиб, Бобурнинг изчил сиёсати, унинг темурийлар салтанатининг яхлитлиги учун бир умр қайғурганлигидан далолат беради. "Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонолло таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу (ишинг) вилоят аҳлини подшоҳга яхши назар билан боғлайди. Исломнинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдур, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикиридан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат ҳар хил ташвишлардан холи бўлади".

Бобурнинг номи ва эзгу амаллари жаҳон миқёсида эътироф этилган. "Бобур — дилбар шахс,— деб ёзган эди ўз вақтида Жавоҳарлаъл Неру.— Уйғониш даври ҳукмдорларининг ҳақиқий намунаси. У мард ва тадбиркор инсон бўлган". Инглиз тарихчиси Эдуард Холден Бобурни Юрий Цезарга тенглаштиради. Уильям Эрскиннинг фикрича, саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди.

Улуғ ватандошимизнинг ибратли ҳаёти, эзгу амаллари, бой адабий мероси бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлиб қолаверади.

**М. АҲМЕДОВ.**

Эътироф

# Тадбиркор

Карим муаллим нафақага чиқдию, қирқ йил мактабда ишлаб, ўрганиб қолган экан, уйида тинч ўтиролмади. Бир-икки кун тенгтўшлари қатори чойхонага қатнади, кўнгли тўлмади. Фарзандлар-ку, майли, невараларнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бисёр. Бири мактабга, бири боғчага қатнайди, сўнг тўгаракка, ундан спорт залига чопишади, кечга яқин уйга кириб келишади, омон бўлгурлар.

Карим муаллим бирор енгилроқ юмушга жойлашиб олишни режалаштириб кўрди. Тадбиркорлик қилса-чи? Ҳозир замон тадбиркорларники бўлиб қолди. Ана, Жамол дўкондор, бугун қишлоқнинг олди бўлиб қолган. Каттагина дўконида ҳамма нарса бор. Айтишларича, чет элликлар билан ҳам ишлаётганмиш. Шу кунларда томат цехини очиш учун чопиб юрибди. Маҳаллакўйга ҳам қўлидан келганича ёрдам бераяпти.

Шуларни ўйлаб Карим муаллимнинг тадбиркор бўлгиси келиб кетди. Гап фақат пулда ҳам эмас. Кампири икковининг нафақаси ўзларига етиб турибди. Гап бирор севимли машғулот билан банд бўлишда... Лекин эплай олармикин? Болалари бунга қандай қарайди. Икки ўғли ҳам ота йўлидан бориб ўқитувчиликни танлашди. Шу сабабли улар бу фикрни қўллаб-қувватламасликлари мумкин.

Туни бўйи шунга ўхшаш хаёллар оғушида тўлғаниб чиққан собиқ муаллим эрта тонгда туман марказига йўл олди. Туман ҳокимиятининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўлимини топди. 30-35 ёшлар чамасидаги йигит уни илиқ қарши олди:

— Келинг, отам, келинг ўтиринг. Нима хизмат?

— Кичикроқ дўкон очмоқчиман, маҳалламизда озиқ-овқат дўкони йўқ.

— Демак, якка тартибдаги тадбиркор бўлмоқчисиз, — йигит тахлам қоғозлар орасидан бирини олиб, чолнинг қўлига берди: — Мана шу ҳужжатларни йиғишингиз лозим, тўлдириладиган ҳужжатлар ҳам талайгина, кейин унча-бунча тўловлари ҳам бор...

Чол йигитга ўқрайиб қаради.

— Йўқ, йўқ, тушунмадингиз, давлат божи тўловларини айтаяпман, кассага тўлайсиз, — деди йигит хижолат бўлиб.

Карим муаллим қоғозни олишга олди-ю, лекин унда кўрсатилган ҳужжатларни қаердан тўғрилашни, ишни қай биридан бошлашни билмас эди. Яхшиямки, шу ернинг ўзида корхона очишда ёрдам берадиган фирма бор экан. Улар икки кун ичида фирмани очиб беришга ваъда қилишди.

Келишилган муддатда муаллим туман марказига яна йўл олди. Фирмадагилар унинг қўлига тадбиркорлик гувоҳномасини тутқазишди.

— Энди банкда ҳисоб рақами очасиз, кейин давлат солиқ инспекциясидан ҳисобга турасиз, шундан сўнг ишни бошласангиз бўлади.

Карим муаллим айтилган жойларга борди. Дўкон очиш учун бино керак дейишди. Аслида дўконни уйида очмоқчи эди. Аммо бунинг учун «турар-жой»ни «нотурар жой»га ўтказиш керак бўлди.

Бошлаган ишини чала қолдиришга ўрганмаган муаллим кадастр хизматига ҳам, электр корхонасига ҳам, газ-сув идораларига ҳам учрашди.

Дўконни юритиш учун унча-мунча маблағ керак эди. Банкдан қарз олса-чи? Хаёлига келган фикрдан калаванинг учини топгандай хурсанд бўлиб кетди. Ахир жаҳоннинг мана-ман деган миллиардерлари ҳам ўз бизнесини банкдан кичик-кичик қарз олиб бошлаганликлари ҳақида кўп ўқиган. Давлат томонидан тадбиркорларга қанчадан-қанча кредит маблағлари ажратилаётгани бежиз эмас-ку.

Эртаси куни Карим муаллим ҳужжатларини кўтариб банкка борди.

Ёшгина бўлим бошлиғи чолни илиқ қарши олди. Бир пиёла чой узатиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Сўнг «хўш, хизмат» дегандай суҳбатдошига юзланди.

— Кичикроқ бир дўконча очишга кредит олмоқчи эдим, болам, — деди Карим муаллим бировдан қарз сўраётгандай ийманиб.

— Қанча олмоқчисиз ўзи?

— Беш милён.

— Яхши, гап йўқ, отам, — деди бўлим бошлиғи бир тўда қоғозлар ичидан бир варақ қоғозни узата туриб. – Шу ҳужжатларни тўплайсиз, тамом-вассалом.

— Буларни қаердан оламан? — деди чол соддалик билан қоғозга разм солар экан.

— Асосийси гаров. Гаровга мол-мулкингиз борми?

— Қанақа мол?

— Машинами, тракторми, биноми, дўкон-пўкон дегандай.

— Машинам йўқ, трактор ҳам... Мен ўқитувчи бўлиб ишлаганман, — деди Карим муаллим ийманибгина.

— Унда таниш-билиш, оғайин-қариндошлардан илтимос қилинг, бирортаси мол-мулкини гаровга қўйишга розилик берар, — деди банкир чолга далда бергандай.

— Бировларники бўлса ҳам бўладими, ахир?

— Сиз учун амаллаймиз-да. Қолган ҳужжатларни кейин тўғрилайсиз, асосийси шу гаров мулки.

Карим муаллим банкдан чиқиб, автобус бекати томон юрар экан, хаёлидан сал "бақувватроқ" танишларини бир-бир ўтказди. Кечқурун эса тўғри қўшниси Акбарникига кирди. Туман ташкилотларидан бирида раҳбар бўлиб ишлайдиган бу инсон тантилиги ва одамларга қўлидан келганча беминнат ёрдам бериши билан ном чиқарган.

Акбаржон қўшнисини илиқ қарши олди. Меҳмонхонага олиб кириб, дастурхон ёзди. У ёқ-бу ёқдан сухбатлашиб ўтирдилар.

— Нафақага чиқиб, уйда зерикмаяпсизми? — деб сўраб қолди Акбаржон.

Карим муаллим мақсадга кўча қолди.

Акбаржон гап орасида «буни қаранг-а, қойил, балли» деб қўшнисининг сўзларини маъқуллаб турди.

— Шунга гаров учун бирорта мулк керак бўлиб турибди, — дея гапини якунлади чол.

— Ҳамма ҳам шундай қийинчилик билан бошлайди, тадбиркорлик ҳам осон эмас, Карим ака, — деди Акбаржон. Сўнг стол тортмасидан ҳужжат олиб узатди. — Мана, янги "Нексия"нинг ҳужжатлари. Шуни гаровга қўйсангиз бўлади.

— Сизга катта раҳмат, дунё тургунча туринг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, — деди чол қувончини ичига сиғдиролмай.

Карим муаллим иши бунчалик тез битганлигидан хурсанд бўлиб, уйига йўл олди.

Карим муаллим туман марказига қатнайверганидан қишлоқда "Муаллим пенсияга чиқиб, банкка ишга кирганмиш" деган гаплар тарқаб кетди. Бошқа бировлар эса "йўқ, бу чол шаҳардан биронта ёшроғини топиб, уйланиб олган бўлса керак", деган миш-миш тарқатишди. Чолнинг ниятидан хабардорлар эса унга далда беришдан чарчамадилар. Эл оғзига элак тутиб бўлармиди? Ким нима деса, десин. Оғзига кучи етмайдиганлар, вайсаб-вайсаб бир кун қўйишар.

Шундай кунларнинг бирида Карим муаллимнинг уйига бир машина озиқ-овқат маҳсулотлари келиб тушди. Кўпчилик бўлишиб товарларни пештахталарга тахлашди. Дўкон ишлашга шай бўлди. "Фақат назорат касса машинаси ўрнатсангиз бас", деди участка солиқ нозири.

Карим муаллим дўконни юритиб юборди...

Куни кеча "Карим муаллим" хусусий корхонаси тумандаги "Энг интизомли солиқ тўловчи" танлови ғолиби бўлди. Айтишларича, ҳозирда бу тадбиркор қария қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам бериб турган эмиш.

**Комил СИНДОРОВ,**
*Жиззах вилоят хўжалик судининг раиси.*

# «7» рақамининг сири

**Ўқинг, бу қизиқ**

Сиз оламнинг "етти мўъжизаси" ҳақида эшитгансиз. Бироқ уларнинг сони нега айнан еттита эканлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Умуман олганда, турфа халқларда бу рақамга алоҳида аҳамият берилишининг сири нимада?

Антик давр тарихчилари асарларида "етти мўъжиза" тушунчаси ва унинг таркибига кирувчи ёдгорликлар турлича талқин қилинган. Хусусан, катта Плиний "етти мўъжиза" рўйхатига ўзгартиришлар киритиб, Вавилон (Бобил) осма боғларини Фарос оролидаги маёқ билан алмаштирган. Бундай ҳолатлар бошқа олимлар асарларида ҳам кузатилган. Шу боис одамларнинг «етти мўъжиза» ҳақидаги фикрини билиш мақсадида вақти-вақти билан сўровномалар ўтказиб турилган. Улардан бири Чикаго шаҳрида уюштирилган. Шунда ғалати ҳолат кузатилган. Журналистларнинг "Етти мўъжиза деганда нимани тушунасиз?" деган саволига жавобларнинг аксариятида "етти мўъжиза" сифатида донг таратиб келган қадимги дунё ажойиботларидан биронтасининг ҳам номи тилга олинмаган...

Тарихий асарларда ёзилишича, Бухоро ҳукмдори Бидун Бухорхудот неча марта иморат қурдирмасин, ҳаммаси бузилиб кетаверади. Шунда у сарой аёнлари, олиму мунажжимларни йиғиб, маслаҳат сўрайди. Улар қасрни осмондаги Етти қароқчи юлдузлари шаклида жойлаштирилган еттита тош устун негизида қуриш зарурлигини айтишади. Шундай қилинганда, қаср бузилмайди. Бухорхудот ва ундан кейинги шоҳлар шу кошонадан туриб юртни бошқарган даврларда бирорта душман шаҳарга бостириб киришга журъат этолмаган. Манбааларда кўрсатилишича, ушбу қаср еттинчи асрда бунёд этилган экан.

Халқимиз азал-азалдан дунёда инсонни боқадиган ва бой қиладиган етти хазина мавжудлигини яхши билган. Улар сигир, асалари, ипак қурти, обжувоз, тегирмон, ўрмон ва товуқдир. Жонли мулоқотда эса етти рақами ўзига хос анъанавий сўзга айланиб қолган. Масалан, бирор одам муҳим ишга қўл уришидан аввал унга "етти ўлчаб бир кесиш"ини маслаҳат берамиз. Кун бўйи кўчадан бери келмайдиган ёки меҳмондорчиликдан боши чиқмайдиган аёлларга нисбатан "етти эшикнинг калитини олиб юради" деган киноявли сўзни ишлатамиз. Фавқулодда ҳодисани "етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди", деб таърифлаймиз. Лаганбардор, хушомадгўй одамнинг хатти-ҳаракатини "етти букилиб таъзим қилди" ибораси орқали ифодалаймиз. Бирон кишига бениҳоя юксак ҳурмат эътибор кўрсатилганда, "етти қават кўрпача устига ўтқазилди", деймиз.

Етти рақами ҳақидаги мифологик қарашлар афсона, ривоят, эртак ва достонлардаги етти баҳодир, етти дев, етти қароқчи образлари тимсолида мужассамлашган. Ўзбек халқ эртакларида, анъанага кўра, гўзал маликалар, парилар юзида етти қават ниқоб тақилган ёки етти қават парда ортида ўтирган ҳолда тасвирланган.

Қисқаси, халқ оғзаки ижодиёти, жонли сўзлашув, маданият ва санъат ёдгорликларида етти рақамига жуда кўп урғу берилган. Бу анъана аждодларимизнинг ўта қадимий тасаввурлари ва эътиқодлари билан боғликдир. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, қадимги хоразмликлар юлдуз буржларини араблардан кўра яхшироқ билишган. Шунга кўра, тақвим яратиш учун ойни асос қилиб олишган. Ой фазалари эса 28 кун давом этади. У тўртта, яъни янги ой, биринчи чорак, тўлин ой, охирги чорак даврига бўлинади ва ҳар етти кунда бирбири билан ўрин алмашади. Эҳтимол, етти рақамининг муқаддаслашишига сабаб омиллардан бири шудир.

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.**

## Машҳурлар ҳаётидан

Европадан АҚШга кўчиб келган Альберт Эйнштейн Нью-Йорк кўчасида кета туриб, тасодифан бир танишини учратиб қолди.

— Эйнштейн жаноблари, — деди таниши салом-аликдан сўнг, — сиз, албатта, янги пальто сотиб олишингиз керак. Эгнингиздагиси жуда эскириб қолибди.

— Қўяверинг, — деди Эйнштейн бепарво қўл силтаб. — Барибир, мени Нью-Йоркда ҳеч ким танимайди.

Орадан анча йиллар ўтди. Эйнштейн яна ўша танишини учратиб қолди. Буюк физикнинг эгнида ҳали ҳам ўша пальто эди. Шилқим таниши унга бу сафар ҳам янги пальто олиши лозимлигини эслатди.

— Энди бунинг ҳожати йўқ! — деди олим хотиржам оҳангда. Чунки Ерда мени ҳамма танийди...

***

Альберт Эйнштейн Чарли Чаплин ўйнаган фильмларни жуда ёқтирарди. Шу боис бир куни унга хат йўллади: "Фильмларингизни дунёда ҳамма одамлар тушунади. Шунинг учун ҳам сиз буюксиз!"

Мактубга Чарли Чаплин қуйидагича жавоб қайтарди: "Мен эса кўпроқ сизга қойил қоламан. Негаки, сизнинг нисбийлик назариянгизни ҳеч ким тушунмайди, шундай бўлса-да, сиз барибир буюк бўлдингиз".

***

Машҳур Америкалик инженер, электр чироқ ихтирочиси Эдисоннинг таниш билишлари унинг ҳовлисидаги боғ эшиги нега қийин очилишидан анча вақт ҳайрон бўлиб юришди. Кунларнинг бирида таниши бу ҳақда зорланиб деди:

— Шундай буюк иқтидор соҳиби бўлсангизу дурустроқ эшик ўрнатмаганингизга ҳайронман.

— Менимча, — жавоб қилди Эдисон, — эшик рисоладагидек. У уйдаги водопровод насоси билан бириктирилган, кираётган ҳар бир одам эшикни очавериш асносида бакка йигирма литр сув чиқариб беради.

**Илёс ШЕРМУҲАММАД тайёрлади.**

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ.
Навбатчи — Илёс САХАТОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 200. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9686.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 20.30
1 2 3 4 5

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.